

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 22-mart, juma 23 (8990)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар! Қадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Шу тароватли кунларда табиат уйғониб, гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб келаётган бу ажойиб, хосиятли байрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағиш-ламоқда.

Азим пойтахтимизнинг марказида бунёд этилиб, яқинда фойдаланишга топширилган мухташам "Хумо" кошоносида сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Мана шундай файзли, шодийна айёмда барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда Наврўз сайлини ўтказиб бачча-барча юртдошларимизга юксак ҳурмат ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаётингиз баҳор тонгидек тиниқ, бахтли ва фаровон бўлсин!

Шарқона Янги йилмиз – Наврўзи оламнинг қадами кутлуғ ва баракали келсин!

Хурматли дўстлар!

Айни шу бетакорор ва дилбар фаслда барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, вужудимизга янги куч-ғайрат, азму шижоат киргандек ҳис этамиз. Неча юз йиллик анъана ва қадриятларимизни янгитдан кашф этамиз, қандай буюк тарих, қандай буюк маданият ворислари эканимизни яна бир бор англаймиз. Ва бундан қалбларимиз гурур ва ифтихорга тўлади.

Бу йилги Наврўз байрами ушбу муаззам саройда ўтаётганида ўзига хос рамзий маъно бор, албатта. Афсонавий Хумо қуши – эзгулик ва бахт тимсоли, Наврўз эса баҳор ва бахт айёмидир. Бу икки улуг тимсол, яъни Хумо ва Наврўз фалсафаси ўзаро уйғун бўлиб, ҳаётимизни янада мазмунли ва мунаввар этгай, иншооллоҳ.

Азиз юртдошлар!

Барчамизга маълумки, Наврўз – янги кун, янги фасл

демақдир.

Бугун она табиат бағрида янгиланиш ва яшариш фасли бошланмоқда.

Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам бугун ўз миллий таъриқийнинг янги даврига қадам қўймоқда.

Бу – эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонликнинг янги, юксак босқичидир.

Бу – "Халқ манфаати ҳамма нарсдан улуг" деган эзгу гоа амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган даврдир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшаётган давр бу.

Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётган давр бу.

Бу – жаҳон ҳамжамияти билан, энг аввало, яқин қўшиларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган замондир.

Бу – ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё ахли эътироф этаётган янги Ўзбекистондир.

Айни вақтда буларнинг барчаси – биз танлаган олис ва машаққатли йўлдаги дастлабки қадамлардир.

Бугун кўпни кўрган, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан, келажакка мустақкам ишончи билан шонли тарихимизнинг янги саҳифасини яратмоқда.

Ушбу кутлуғ айёмда мана шундай меҳнаткаш, матонатли, бағрикенг, Ватанга садоқатли халқимизга фарзандлик меҳрим билан чин юрагимдан таъзим қиламан.

Мухтарам дўстлар!

Наврўз ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний гоялари билан башариёт ҳаётдан тобора чуқур ўрин эгалламоқда. Барчангизга аёнки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 21 март – бутун дунёда Халқаро Наврўз кунини сифатида кенг нишонланмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром

кўрсатиб, мана шу мухташам кошонамизга ташриф буюрган чет давлатларнинг мухтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, барча хорижий меҳмонларимизни, олис ва яқин мамлакатлар халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга тинчлик, равақ ва фаровонлик тилашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Бепоян юртимизни қамраб олган халқ сайилларида бугун "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" деган эзгу тилаклар янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз ўзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотмоқда. Ислохотлар эса жамиятни, халқимизнинг онгу тафаккури, бекиёс салоҳиятини уйғотмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар айни шу улуг мақсадга – ҳар кунимиз Наврўз бўлишига, яъни эл-юртимиз ҳаётининг обод ва фаровон бўлишига қаратилганини сиз, азизлар яхши биласиз. Биз шу йўлда ўз олдимизга улкан марра ва вазифаларни қўйдик ва уларни халқимиз билан бирга албатта амалга ошираемиз.

Бугун миришор дехқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқда. Барчамизнинг тилагимиз битта: йилмиз кутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, қадри дўстлар!

Мухтарам отахон ва онахонлар!

Мунчи опа-сингиллар!

Қадри ака-укалар!

Халқимизнинг ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Азиз фарзандларим!

Ҳаммамиз учун суякли ва ардоқли Наврўз байрами билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман!

Наврўз ҳар бир хонадонга, бутун эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, кут-барака олиб келсин! Барча эзгу ниёт ва мақсадларимиз амалга ошсин! Ватанимиз янада обод, халқимиз доим омон бўлсин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА


Боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжалиқларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиғи ҳамда Молия вазирлиғининг: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи ҳузурида бошқарув ходимларининг чекланган сони 29 бирликдан иборат **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғини ривожлантириш агентлиғини** (кейинги ўринларда – Агентлик); Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи ва вилоятлар қишлоқ хўжалиғи бошқармалари тузилмаларида бошқарув ходимларининг чекланган сони 58 бирликдан иборат **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғи бўлимларини**; туманлар (Куваасой шаҳар) қишлоқ хўжалиғи бўлимлари тузилмаларида бошқарув ходимларининг чекланган сони 185 бирликдан иборат **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғи секторларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.
2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:
  - боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб сўғориш тизимларини қўлланган ҳолда интенсив боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини ҳисобга олган ҳолда мева маҳсулотлари турларини қўлайитириш чораларини кўриш; худудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғида илмий ютуқлар, илгор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;
  - "Узстандарт" агентлиғи билан биргаликда боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқларига халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш;
  - мева маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва сотишнинг бутун занжирини ўз ичига олган кластер шаклини ташкил қилиш ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;
  - бозорлар конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш йўли билан рақобатбардош маҳсулот етиштириш, уни сотишни ташкил қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
  - ташқи бозорларда талаб юқори бўлган мева навларини жойлаштириш ва етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқлари соҳасида мутахассисларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва жорий этиш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, соҳага ихтисослашган хорижий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш;
  - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда боллар ва иссиқхона хўжалиқлари майдонларининг электрон реестрини юритиш.
  - 3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғини ривожлантириш агентлиғи тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
  - Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи зарур ҳолларда Агентлик тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.
  - 4. Белгилансинки:
    - а) Агентлик: ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;
    - Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи, вилоятлар қишлоқ хўжалиғи бошқармалари ва туманлар (Куваасой шаҳар) қишлоқ хўжалиғи бўлимларининг боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиғи бўйича бўлимлари (секторлари) ва мутахассислари фаолиятини мувофиқлаштирилади ва уларга услубий раҳбарлик қилади;
    - б) Агентлик директори: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;
    - мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;
    - в) Агентлик директорининг ўринбосари Агентлик директорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазирининг тақдимномасига тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истақлар изҳор этилган.

- Жумладан:
- Хитой Халқ Республикаси Раиси – Си Цзиньпин
- Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Нурсултон Назарбоев
- Қирғизистон Республикаси Президенти – Сооронбай Жээнбеков
- Тожикистон Республикаси Президенти – Эмомали Раҳмон
- Туркменистон Президенти – Гурбангули Бердимухамедов
- Озарбайжон Республикаси Президенти – Илҳом Алиев
- Афғонистон Ислому Республикаси Президенти – Ашраф Ғани
- Афғонистон Ислому Республикаси Ҳукумати ижроия кенгаши раиси – Абдулла Абдулла
- Эрон Ислому Республикаси Президенти – Ҳасан Руҳоний
- Саудия Арабистони Қироли – Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд
- Саудия Арабистони валиаҳди, Бош вазири ўринбосари, мудоффа вазири – Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амираи – шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири – шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён
- Фаластин Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси – Маҳмуд Аббос
- Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом – Оллошхур Пошшоода ва бошқалар табрик йўллаган.
- Қутловлар келиши давом этмоқда.



## Бунёдкор элнинг ФАЙЗЛИ БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги "Хумо арена" мажмуасида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди

Қиру адирлар ям-яшил майсалар билан қопланган, атрофни қушлар чуғури-ю анвоий гуллар, гиёҳлар ифори тутган. Инсон ботинидаги энг инжа ҳисларни-да уйғотувчи кўклар насими руҳиятимизга бир тозалик олиб киргандай бўлади. Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш ва яшариш айёми бўлган Наврўзи оламини ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.

Яхши одам кўзидан, яхши йил Наврўзидан маълум, дейди халқимиз. Ота-бобларимизнинг минг йиллик кузатишлари ҳосиласи сифатида дунёга келган бу нақл худди бу йилмиз учун айтилгандек. Она юртимизга кириб келган баҳор йил бўйи келадиган об-ҳаво, шунга мос мўл ҳосил, кут-барақадан дарак бераётгандек...

Ҳа, юртимизга Яратганнинг инояти, табиат мўъжизаси бўлмиш кўклар кириб келди. Бу йилги баҳорнинг авжи ўзгача. Эрта баҳордан илқ насимлар эса бошлади. Бундан руҳланган бободеҳқон яхши ниёт билан уруғ қадашга шайланди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаю овулларда кўклар тадбиригизиган-кизиган: улуг бунёдкорлик қудрати, ободлик, поклик нафаси, янгиланиш ва яратиш завқи ҳар қадамда сезилади.

21 март. Азим пойтахтимиз марказида яқинда фойдаланишга топширилган мухташам "Хумо арена" мажмуаси байрамона безатилган. Наврўзга хос анъаналаримиз, халқ ўйинлари, дор томошалари ташкил этилган. Сўрилардаги дастурхонларга баҳорий таомлар тортилган. Карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланаётганидан дарак беради.

(Давоми 2-саҳифада)



22 март - Бутун жаҳон сув куни

Мавжуд сув ресурслари

улардан оқилона фойдаланишни талаб этади

Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 22 февралдаги резолюциясига асосан, 22 март - Бутун жаҳон сув куни деб эълон қилинган. Шундан буён ушбу сана ҳар йили бутун дунёда сувни муҳофаза этишга чақирувчи турли шиорлар остида нишонлаб келинади. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган "Ўзбекистонда сув ресурслари ва улардан фойдаланишнинг долзарб масалалари" мавзудаги анжуман ҳам ушбу масалага бағишланди.



жалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази директори Воҳиджон Аҳмаджонов ўз тақдиротида. - Тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги 50 йил ичида йирик дарёлар тўйинадиган музликлар ҳажми ўртача 30 фоизга камайган. Амударё ва Сирдарёнинг йил сайин суви камайиб кетаётганлигининг сабабларидан бири шу. Шу боис, бугунги кунда сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қиляпмиз. Экин майдонларини томчилатиб, кўчма эгилувчан қувурлар орқали ва плёнка остидан сугориш

Сув - табиатнинг бебаҳо неъматидир. Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг бирдан бир манбаи ҳам сувдир. Тирик жон борки, сувсиз яшай олмайди. Чунки унинг ўрнини ҳеч бир нарса босолмайди. Шу боис ҳар доим сувдан оқилона фойдаланишга даъват қилинади. Маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудда яшайди. БМТ экспертлари томонидан 2030 йилга бориб ер шарни аҳолиси 8,6 миллиардга, 2050 йилда эса 9,8 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Табиийки, инсоният кўпайган сари сувга бўлган талаб ҳам ортиб боради. Бу эса тоза ичимлик сувини тежашнинг аҳамияти нечоғлик жиддий эканлигини

англатади. Марказий Осиё давлатларининг асосий сув манбалари Амударё ва Сирдарё ҳисобланиб, ҳозирда глобал иқлим ўзгариши ушбу дарёларнинг сув ресурсларига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда сув тақчил бўлган йиллар кўпайиб бормоқда. Тадбирдаги маърузачиларнинг таъкидлашича, 2000 йилларга қадар ҳар 6-8 йил ичида бир марта сув тақчиллиги кузатирилган бўлса, кейинги йилларда ҳар 3-4 йилда шундай ҳолат содир бўляпти. - Глобал иқлим ўзгариши ва сувдан нооқилона фойдаланиш минтақамиздаги сув ресурсларининг камайишига олиб келяпти, - дейди Ўзбекистон Республикаси Сув хў-

шулар жумласидандир. Сув исроф бўлаётган яна бир омил борки, асосий каналларимиз тупроқ ўзандан ташкил топган. Бунда филтрланиши ҳисобига ҳам 35 фоиз сувини йўқотамиз. Истиқболда ушбу муаммоларни бартараф қилишимиз лозим. Анжуманда бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари, соҳа олимлари, талабалар ва журналистлар иштирок этди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларни атрофлича жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз.

Томорқа - оила даромадининг ишончли асоси

Ундан оқилона фойдаланаётган омилкорлар мўл ҳосил етиштириб, оила иқтисодини тобора мустахкамлаб бормоқда.

Шу йилнинг 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда томорқадан самарали фойдаланиш ва баҳорги экин экиш ишларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар ижроси доирасида Сирдарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

муддатда сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун бор куч ва ички имкониятлар сафарбар этилган. Етиштирилажак маҳсулотларнинг сифати, аввало, тўғри танланган ва жойлаштирилган уруғга боғлиқлиги барчага кўндек равшан. Шунга биноан экиш учун ҳозиргача 55,5 тонна сифатли уруғлик захираси тайёрланди ва томорқаларда уларни экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Бог-роғларни кўпайтириш мақсадида 11 минг 758 тупдан зиёд серхосил, сувсизликка ва турли касалликларга чидамли сара кўчатлар жамғарилиб, яримдан кўпи ерга қадалди ва парвариш ишлари қизгин олиб борилаётди.

Томорқалардан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш жараёнида дилни ранжитадиган ҳолатларга ҳам дуч келяпмиз. Давлат солиқ хизмати органи ходимлари томонидан бир кунда сектордаги 1290 та, мавсум бошидан буён 11 минг 660 та хонадон ўрганилди. Ўрганиш натижасида бир кунда 185 та, мавсум бошидан буён 989 та хонадон соҳибларига томорқалардан самарасиз фойдаланганлиги боис, жорий йил учун

ҳисобланган ер солигининг уч баробари миқдорда солиқ ҳисобланиши ёки томорқа ер майдонлари ҳокимлик захира фондига ўтказилиши юзасидан оғохлантириш хатлари берилди. Яратилаётган имконият ва қулайликлардан оқилона фойдаланаётган фуқаролар нафақат ўзларига балки, буюк неъмат сифатида берилган, серурум замин - томорқанинг қадрига етмаётганликлари барчамизда жиддий ташвиш тугдиради. Очиғини айтганда, давлатимиз раҳбари яқинда вилоятга ташрифи чоғида таъкидлаганидек, бугун ҳар бир оила, вилоятда яшайётган ҳар бир фуқаро ўзгариши, мамлакатимизда кечаятган ислохотларга, тараққиётга ҳисса қўиши керак. Масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш даромад манбаи эканлиги бўйича маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб боряпмиз. Томорқа эгалари ўз навбатида кўрсатилаётган бу кўмак ва ёрдамлардан вақтида тегишли хулоса чиқариб оладилар, деган умиддамиз. Зеро, томорқа туганмас хазинадир. Унда етиштирилган ҳосилдан эса аҳоли дастурхони тўкин бўлади, бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллигига эришиблади.

Кунлар исий бошлаши билан она замин уйғоняпти. Бу эса деҳқончиликнинг ҳадисини олган уста миришкорлардан ҳар бир куннинг қадрига етишни ҳамда экиш-тиқиш, яратувчилик ишларида ганимат дамлардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу маънода ҳудудларда майдонларни кўкламга экин экишга тайёрлаш, эртаки сабзавотлар экиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Хонадонларни ўрганиш давомида янги иссиқхоналар қуриш, экин экишга зарурий воситаларни тайёрлашга пухта киришилганлигининг гувоҳи бўлди. Сирдарё вилоятида то-

морқа ер эгалари сони 117 минг 255 нафарни ташкил этиб, улар ихтиёрига 12 минг 751 гектар томорқа майдонлари бериб қўйилган. Шундан 4-сектор, яъни, солиқ инспекцияси назорат қиладиган Гулистон ва Мирзаобод туманларида томорқа майдонлари 2917 гектарга тўғри келади. Солиқ инспекцияси секторидagi ҳудудларда баҳорги экин экишга 1265 гектар майдон тайёрланиб, томорқаларга эртаки сабзавот экинлари экилди. Жорий йилнинг ўзида ушбу сектор ҳудудида кўплаб иссиқхоналар барпо қилиниб, бу йўналишда белгиланган топшириқлар ижросининг ўз



"АМУДАРЁДАВСУВМАХСУСПУДРАТ"

Давлат унитар корхонаси жамоаси

азиз юртдошларимизни, шу жумладан, ирригация, мелиорация тадбирларини муваффақиятли амалга ошириб келаётган барча ҳамкасбларини баҳор айёми -

Наврўзи олам

билан чин қалбдан қутлайди. Яшариш ва янгилашиш айёми кўнгилларга илиқлик, хонадонларга қут-барака, оилаларга тинчлик-тотувлик олиб кирган айни фараҳбахш лаҳзаларда барчага мустаҳкам соғлиқ, ишларига барака тилайди.



Вилоятлараро Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш бошқармаси жамоаси

юртдошларимизни, шу жумладан сув хўжалиги тизими ходимларини янгилашиш, уйвониш фаслининг қутлуғи байрами -

Наврўзи айём

муносабати билан муборакбод этади.

Халқимизга хос самимиётлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари барчамизга мудом ёр бўлсин! Эзгу орзуларимиз илжобати, бошлаган хайрли ишларимиз рўёби ва роҳатини кўриш бахти барчамизга насиб қилаверсин!




Ўзёлонлар


Тошкент ш. Бектемир т. Ҳ.Бойроқ кўч. 22-ўйда жойлашган Бектемир ТСРҲИ томонидан 001433-02 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ASIA COSMETICS" М-ФК (СТПР 302668210) "BIO CHEMICAL" М-ФКга қўиш йўли билан қайта ташкил этилаётгани маълум қилади. "ASIA COSMETICS" М-ФКнинг барча хуўқ ва мажбуриятлари ворислиқ хуўқи билан "BIO CHEMICAL" М-ФКга ўтади. Маълумот учун тел: +998(99) 848-00-21. Тошкент вил. Юҳори Чирчиқ т. Янгибозор кўрғони Ойбек кўчасида жойлашган Ҳамза т. ҳокимининг 26.01.1998 йилдаги 101-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган "MARSEN" хусусий корхонаси (СТПР 202479608) "MARSEN" М-ФКга айланмиш йўли билан қайта ташкил этилишини маълум қилади. "MARSEN" хусусий корхонасининг барча хуўқ ва мажбуриятлари ворислиқ хуўқи билан "MARSEN" М-ФКга ўтади. Маълумот учун тел: +998(93) 581-37-39. Тошкент ш. Миробод т. ДХМ томонидан 7 012.2018 йилда 655280 рақами билан рўйхатдан ўтган ҳозирги корхона "ARENTO" М-ФК катташчиларининг 18.03.2019 йилдаги улуғвий йиғилиши қарорига кўра устав фондини 3 000 000 000,00 сўмдан 27 330 000,00 сўмгача камайганлигини маълум қилади. Давлолар ушбу эълон матбуотда чоп этилган сандан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

"БУХОРО СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ"

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ



Халқимизда суе билан боғлиқ мақол ва ҳикматли иборалар жуда кўп. Албатта, улар бежиз айтилмаган. Зеро, суе етиб борган жойда ҳаёт бошланади. Кўпнинг ризқу насибаси яратилади. Шу боис, суе тизими соҳасида меҳнат қилаётган раҳбару мутахассислар, миробу хизматчиларнинг савобли ва эзгу ишларини элимиз мудом олқийшлайди. Биз ҳам барча юртдошларимизни, хусусан, мамлакатимиз сув тизими соҳасида сикдидилдан меҳнат қилиб келаётган ирригатор ва мелиораторларни Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этамиз! Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Халқимизнинг ризқу насибаси бутун, дастурхони тўкин бўлиб бораверсин. Бободоҳқонларимизнинг яратажак хирмонларига Яратганнинг ўзи барака берсин. Сиз ҳам уларга камарбаста бўлишдан асло чарчаманг, азизлар. Навбахор муборак, Наврўз муборак, азиз ҳамкасблар!


**XALQ BANKI**

Акциядорлик тижорат  
Халқ банки жамоаси юртдошларимизни  
яшариш ва янгилашиш айёми –

## Наврўзи олам

билан самимий табриклайди!  
Юртимиз тинч,  
хонадонларимиз файзли бўлсин!



### Халқ банкидан байрам акцияси!

- Халқ банкидан халқаро "Visa" тўлов картасини очиб, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва смс хабарларга улашиш эса мутлақо бепул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32

100096, Toshkent sh., Qatortol ko'chasi, 46

+998 71 200-00-55

www.xb.uz

@xalqbanki

info@xb.uz

## Хоразм вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси жамоаси

юртдошларимизни, барча ҳамкасб  
дўстларини қутлуғ айём –

## Наврўзи олам

билан самимий табриклайди ва ҳамиша  
йўлларингиз ойдин, ишларингиз барорли  
бўлишини тилайди.

Айём муборақ, қадрли юртдошлар!

## QISHLOQ HAYOTI

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
таркибдаги ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва идоралар.

### Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,  
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,  
Иқтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

### Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

### Вилоятлар:

Андижон – (+99893) 630-73-03;  
Бухоро – (+99891) 401-29-59;  
Жиззах – (+99893) 940-10-78;  
Навоий – (+99891) 332-50-99;  
Наманган – (+99893) 948-53-86;  
Фарғона – (+99890) 407-76-03;  
Самарқанд – (+99897) 575-50-67;  
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;  
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;  
Тошкент – (+99890) 976-39-58;  
Хоразм – (+99897) 790-47-61;  
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

## Агробанк жамоаси

барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини  
Наврўз байрами билан қутлайди!

Яшариш ва янгилашиш айёми муносабати билан  
банк янги омонат турини таклиф этади!

## “Баҳор – 2019”

миллий валютадаги омонати:

✓ Йиллик фоиз ставкаси:  
банкда расмийлаштирилганда – 20 фоиз;

✓ “Agrobankmobile”  
иловаси орқали расмийлаштирилганда – 21 фоиз.

- ◆ Минимал талаб этиладиган маблағ – 1 000 000 сўм.
- ◆ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

## Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel

/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

App Store

Google Play

www.agrobank.uz

тел. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

### Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзига компьютерда терилди ва

дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 747 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 22.50

ISSN 2010-7021



4 772 010 702 007

Навбатчи муҳаррир:  
А. ҲАҚБЕРДИЕВ